



FOREIGN EXPERIENCE ON THE EFFICIENCY OF PROSECUTOR CONTROL REGARDING STATE-OWNED PASTURES

Zafar Sharipov

Listener of the direction "Prosecutorial activity"

Law Enforcement Academy of the Republic of Uzbekistan

Tashkent, Uzbekistan

e-mail: z.u.sharipov25@gmail.com

ABOUT ARTICLE

Key words: prosecutorial oversight, agriculture, pasturelands, state organizations, legal provisions, land resources, effectiveness, foreign experience, lawful use, prosecutorial bodies, law enforcement, land conservation.

Received: 26.02.25

Accepted: 28.02.25

Published: 02.03.25

Abstract: This article is aimed at improving the effectiveness of prosecutorial oversight over the implementation of legal provisions related to agricultural land management, particularly pasturelands, under the control of state organizations. Prosecutorial authorities play a crucial role in ensuring the enforcement of laws in the agricultural sector, including preventing illegal land use. The article analyzes the experiences of foreign countries, including Mongolia, China, Russia, Kazakhstan, Tajikistan, Turkmenistan, and Kyrgyzstan, in effectively implementing prosecutorial oversight. The article examines important issues related to enhancing the activities of prosecutorial bodies to ensure the efficient use and protection of agricultural land and natural resources.

ДАВЛАТ ТАСАРУФИДАГИ ЯЙЛОВЛАРИ ТЎҒРИСИДАГИ ҚОНУНЧИЛИККА ОИД ПРОКУРОР НАЗОРАТИ САМАРАДОРЛИГИ БЎЙИЧА ХОРИЖ ТАЖРИБАСИ

Зафар Шарипов

“Прокурорлик фаолияти” йўналиши тингловчиси

Ўзбекистон Республикаси ҳуқуқни муҳофаза қилиш академияси

Ташкент, Ўзбекистон

e-mail: z.u.sharipov25@gmail.com

МАҚОЛА ҲАҚИДА

Калит сўзлар: прокурор назорати, қишлоқ хўжалиги, яйлов ерлари, давлат ташкилотлари, қонун ҳужжатлари, ер

Аннотация: Мазкур мақола давлат ташкилотлари тасарруфидаги қишлоқ хўжалиги, хусусан яйлов ерларини

ресурслари, самарадорлик, хорижий тажриба, қонуний фойдаланиш, прокуратура органлари, қонун ижроси, ерларнинг муҳофазаси.

бошқариш соҳасидаги қонун ҳужжатлари ижроси устидан прокурор назоратининг самарадорлигини оширишга қаратилган. Прокурор органлари, қишлоқ хўжалиги соҳасидаги қонунларнинг ижросини таъминлашда, шу жумладан, ерлардан ноқонуний фойдаланишнинг олдини олишда муҳимдир. Мақолада хорижий давлатлар тажрибаси, жумладан Монголия, Хитой, Россия, Қозоғистон, Тожикистон, Туркменистон ва Қирғизистоннинг прокурор назоратини самарали амалга оширишдаги амалда қилинаётган ишлари таҳлил қилинади. Мақола, қишлоқ хўжалиги ва ер ресурсларининг самарали фойдаланилиши ва муҳофазаси учун прокурор органларининг фаолиятини яхшилашга оид муҳим масалаларни кўриб чиқади.

ЗАРУБЕЖНЫЙ ОПЫТ ЭФФЕКТИВНОСТИ ПРОКУРОРСКОГО НАДЗОРА ЗА ЗАКОНОДАТЕЛЬСТВОМ О ГОСУДАРСТВЕННЫХ ПАСТБИЩАХ

Зафар Шарипов

Студент специальности «Прокурорская деятельность»

Академия правоохранительных органов Республики Узбекистан

Ташкент, Узбекистан

E-mail: z.u.sharipov25@gmail.com

О СТАТЬЕ

Ключевые слова: прокурорский надзор, сельское хозяйство, пастбищные земли, государственные организации, законодательные акты, земельные ресурсы, эффективность, зарубежный опыт, законное использование, органы прокуратуры, исполнение законов, охрана земель.

Аннотация: Данная статья направлена на повышение эффективности прокурорского надзора за исполнением законодательных актов в сфере управления сельским хозяйством, в частности пастбищными землями, находящимися в ведении государственных организаций. Прокурорские органы играют важную роль в обеспечении соблюдения законов в сфере сельского хозяйства, включая предотвращение незаконного использования земель.

В статье проводится анализ зарубежного опыта, в том числе опыт стран таких как: Монголии, Китая, России, Казахстана, Таджикистана, Туркменистана и Кыргызстана по эффективному осуществлению прокурорского надзора. Рассматриваются ключевые вопросы, связанные с улучшением работы прокурорских органов для обеспечения рационального использования и охраны

Қишлоқ хўжалиги мамлакат иқтисодиётида муҳим ўрин тутди. Ўзбекистонда ерларнинг самарали ва оқилона фойдаланилиши, шу жумладан яйлов ерларининг муҳофазаси ва улардан фойдаланиш бўйича қонун ҳужжатлари ижроси катта аҳамиятга эга. Бунда давлат органларининг самарали назорати ва прокуратура органларининг вазифалари муҳим рол ўйнайди. Тўғри ва самарали прокурор назорати мамлакатда қишлоқ хўжалиги соҳасини ривожлантиришга, ер ресурсларини муҳофаза қилишга ва қонун бузишларнинг олдини олишга хизмат қилади. Бу мақолада хорижий давлатлар тажрибасини таҳлил қилиш орқали прокуратура органларининг қишлоқ хўжалиги соҳасидаги назорат фаолиятининг самарадорлигини ошириш йўллари кўриб чиқилади.

Давлат ташкилотлари тасарруфидаги қишлоқ хўжалиги хусусан яйлов ерлари тўғрисидаги қонун ҳужжатлари ижроси устидан прокурор назоратининг таъсирчан ва самарадорлигини оширишда, ушбу фаолиятни такомиллаштиришда хорижий тажрибанинг ўрни алоҳида аҳамият касб этади.

Кейинги йилларда хорижда қишлоқ хўжалиги ва ер ресурсларини бошқариш соҳасида прокурор назоратининг самарадорлигини ошириш бўйича қатор илғор тажрибалар мавжуд. Бундай тажрибаларни кўриб чиқиш, Ўзбекистондаги прокурор органларининг ишини такомиллаштиришга ёрдам бериши мумкин.

Сайёрамиз ер фондининг тузилиши икки қарама-қарши жараён таъсирида доимо ўзгариб туради. Улардан бири инсониятнинг яшаш ва қишлоқ хўжалигига яроқли ерларни кенгайтириш учун курашиш (ерларни унумдорлигини ошириш, мелиорация, дренаж, суғориш, денгизларнинг қирғоқ ҳудудларини ривожлантириш); иккинчиси эрозия, чўлланиш, саноат ва транспорт ривожланиши, очик қончилик, ботқоқланиш, шўрланиш натижасида қишлоқ хўжалиги айланмасидан чиқиб кетиш. Иккинчи жараён тезроқ суръатда давом этмоқда. Шунинг учун ҳам дунё ер фондининг асосий муаммоси қишлоқ хўжалиги ерларининг деградацияси бўлиб, унинг натижасида аҳоли жон бошига экин ерларнинг сезиларли даражада камайиши кузатилмоқда.

Жаҳон ер фондининг жами 78 фоизда (Антарктидасиз) қишлоқ хўжалигини ривожлантириш учун баъзи табиий чекловлар мавжуд бўлса, қолган 22 фоиз ер майдонларидан 13 фоизи паст, фоизи ўртача ва фақат 3 фоизи юқори унумдорлиги билан ажралиб туради. Мутахассисларнинг ҳисоб-китобларига кўра саноат ерларининг умумий ер фондидаги улуши 6-7 фоизни ташкил қилмоқда. Саноатни ер билан таъминлашда ўз майдонининг улуши бўйича АҚШ – 0,8 фоиз, Хитой 3, Франция 3,4, Германия 8, Буюк Британия 8,5, Япония 10,4 ва Украина 2,8 фоиздан фойдаланмоқда.

Ривожланган давлатларда ер ва бошқа табиий ресурсларни асраб авайлаш бўйича вазифаларнинг прокуратура органлари зиммасига ҳам юклатилганлигини кўриш мумкин.

Хусусан, Испаниянинг 1981 йил 30 декабрдаги “Прокуратура тўғрисида”ги 50/1981-сонли қонунига кўра, Испания Бош прокуратураси таркибида ердан фойдаланиш, тарихий бойликлар, иқтисодий ва ўрмон ёнғинларига қарши курашиш бўйича махсус прокурорлар ташкил этилиши белгилаб қўйилган. Уларнинг асосий вазифаси қилиб, ердан фойдаланиш, тарихий объектлар, табиат ва атроф муҳитни муҳофаза қилиш, ўсимлик ва жонзотларни, уй ҳайвонларини ҳимоя қилиш ва ўрмон ёнғинларига қарши курашиш борасидаги ҳуқуқбузарликлар бўйича текшириш ўтказиш, бундай ишларни судда кўрилишинида прокурор иштирокини таъминлаш эканлиги белгилаб қўйилган. Шунингдек, мазкур прокуратураларнинг фаолиятини мувофиқлаштириб бориш бўйича Испания Бош прокурорининг ўринбосари штати ҳам жорий қилинган.

Ерлар назорат борасида Испания тажрибаси эътиборга лойиқ бўлиб, бугунги кунда Ўзбекистон Республикасида ер ресурслари ва табиатни муҳофаза қилиш бўйича прокуратура органлари зиммасига юкланаётган вазифаларга мос келади.

Ер соҳасига ва давлат ташкилотлари тасарруфидаги яйлов ерларига доир қонунчилик ижросини назорат қилиш борасида ҳуқуқ тизими ўхшаш бўлган МДХга аъзо айрим давлатлар тажрибаси ўзига хос жиҳатлари билан юқоридаги хорижий давлатлар тажрибасидан фарқ қилади. Масалан, Тожикистон Республикаси Ер кодексининг 9-бобида ердан фойдаланиш ва муҳофаза қилишга қаратилган ер қонунчилигига риоя этилиши устидан давлат назорати асослари ёритилган. Ушбу Кодекснинг 55-моддасига мувофиқ эса, ердан фойдаланиш ва уни муҳофаза қилишни амалга оширувчи давлат органи ҳамда қўйи бўғинлари шунингдек, Тожикистон Республикаси Табиатни муҳофаза қилиш органлари томонидан муҳофаза қилиш белгиланган. Кодекснинг 56-моддасида эса: “ер қонунчилигига ер қонунчилиги устидан давлат назоратининг вазифаси этиб ер қонунчилиги ижросини таъминлаш, ердан фойдаланувчилар давлат органлари мансабдор шахслари, мулкчилик шаклидан қатъий назар жисмоний ва юридик шахслар томонидан ерга оид қонун талабларига сўзсиз риоя этилишини ҳамда ердан фойдаланиш ва муҳофаза қилиш бўйича тадбирларни бажарилиши” белгиланган.

Тожикистон Республикасининг “Прокуратура органлари тўғрисида”ги Қонуни 4-моддасида инсон ва фуқароларнинг ижтимоий ва иқтисодий шу жумладан ерга оид ҳуқуқ ва эркинликларини ҳимоя қилиш прокуратуранинг асосий вазифаси сифатида келтирилган. Мазкур Қонуннинг 5-моддасида, қонунларнинг (*шу жумладан ерга оид қонунларнинг*) вазирликлар давлат қўмиталари, Тожикистон Республикасининг бошқа идоралари

маҳаллий давлат ҳокимияти органлари томонидан аниқ ва бир хилда бажарилиши прокурорларнинг асосий фаолият йўналиши сифатида кўрсатилган.

Шунингдек, мазкур мансабдор шахсларнинг ерга оид қабул қилган ҳуқуқий ҳужжатлари қонунийлиги ҳам прокуратура органларининг асосий вазифаси сифатида кўрсатилган.

Тожикистон Республикасида яйловлардан фойдаланиш, назорат қилиш масалалари 20.06.2019 йилдаги “Яйловлар тўғрисида”ги қонуни билан тартибга солинади. Янги таҳрирдаги “Яйловлар тўғрисида”ги Қонун яйловлардан фойдаланиш масалалари, улардан фойдаланувчиларнинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари, яйловлардан тўғри ва самарали фойдаланишни назорат қилиш, шунингдек яйловларга оид бошқа масалалар тўлиқ тартибга солади. Қонуннинг 5-моддасига кўра: “Тожикистон Республикаси Ҳукумати, яйловларни фойдаланиш ва муҳофаза қилиш бўйича ваколатли давлат органи бўлиб, маҳаллий ижроия ҳокимият органлари, қишлоқ ва маҳалла ўзини-ўзи бошқариш органлари ҳамда ўрмон хўжалиги соҳасидаги ваколатли давлат органи яйловлардан ўз ваколатлари ва ҳокимият доирасида, ушбу Қонун ва Тожикистон Республикасининг бошқа қонунчилик ҳужжатлари билан белгиланган тартибда фойдаланади” деб белгиланган.

Украина Республикаси Ер кодексининг 32-бобида ердан фойдаланиш ва уни муҳофаза қилишнинг назорат асослари ёритилган. Мазкур Кодекснинг 187-моддасига мувофиқ: “Украинада ердан фойдаланиш ва муҳофаза қилиш-нинг асосий вазифаси давлат ҳокимияти органлари маҳаллий ўзини ўзи бошқариш органлари корхона, муассаса, ташкилот ва фуқаролар томонидан ер қонунчилиги талабларига риоя этилишини таъминлашдан иборат” лиги кўрсатилган. Ушбу Кодекснинг 188-моддасига биноан, ердан фойдаланиш соҳасида давлат назорати ер муносабатларига оид давлат сиёсатини амалга оширувчи марказий ижроия ҳокимияти органи томонидан амалга оширилади. Ерни муҳофаза қилишга оид қонунлар ижроси эса табиатни муҳофаза қилиш идоралари томонидан амалга оширилиши белгиланган.

Бирок, Украина Республикасининг “Прокуратура тўғрисида”ги Қонуни 2-моддасида ижтимоий-иқтисодий шу жумладан ерга оид қонунлар ижроси устидан назорат прокуратура органлари функциясига киритилмаган.

Қозоғистон Республикасининг Ер кодекси 18-бобида ердан фойдаланиш ва уни муҳофаза қилиш устидан давлат назорат асослари ёритилган. Ушбу Кодекснинг 144-моддасида: “Давлат назоратининг асосий вазифаси этиб, ер қонунчилигига давлат органлари жисмоний ва юридик шахслар ҳамда мансабдор шахслар томонидан риоя этилишини таъминлаш, ер қонун бузилишини аниқлаш ва бартараф этиш, мазкур йўналишда жисмоний ва юридик шахсларнинг бузилган ҳуқуқларини тиклаш, ер

участкаларидан фойдаланиш қоидаларига риоя этиш, Ер кадастри ва ер тузилишини тўғри юритилишини таъминлашдан иборат” дир.

Мазкур Кодекс 145-моддасига мувофиқ: “ердан фойдаланиш ва уни муҳофаза қилиш устидан давлат назоратини Марказий ихтисослашган орган ҳамда ўз ваколатлари доирасида бошқа давлат органлари томонидан амалга оширилиши” белгиланган.

Қозоғистон Республикасида Ердан фойдаланиш ва уни муҳофаза қилиш устидан назорати қуйидаги шаклларда амалга оширилади:

1. Ердан фойдаланувчи (эгаллик қилувчи ва тасарруф этувчи) субъект-ларга борган ҳолда текшириш ёки профилактик назоратни амалга ошириш;

2. Субъектга бормаган ҳолда профилактик назоратни амалга ошириш.

Шунингдек, давлат назорати хатлов ўтказиш, ерни тадқиқ қилиш, лойиҳа ва чизмаларини ишлаб чиқиш, давлат кадастрини ва мониторингини юритиш шаклида ҳам амалга оширилиши мумкин.

Бундан ташқари, Қозоғистон Республикаси Ер кодексининг 145-моддасида ердан фойдаланиш ва уни муҳофаза қилиш бўйича давлат инспекторлари томонидан жарима солиш тўғрисидаги қарорлар устидан шикоят қилиниши мумкинлиги белгиланган.

Ушбу модданинг 7-бандида: “ердан фойдаланиш ва уни муҳофаза қилиш бўйича давлат инспекторлари томонидан ер қонун бузилиши бўйича ер эгалари ва мулкдорларга берилган кўрсатмаларни бажарилиши, бартараф этилиши устидан назоратни амалга ошириш” юклатилган.

Худди шу каби, Қозоғистон Республикасининг “Прокуратура тўғрисида”ги Қонуни 6-моддасида прокуратура органларига барча соҳаларда шу жумладан, ерга оид қонунчилик соҳасида олий назоратни амалга ошириш, давлат органлари ва мансабдор шахслар томонидан қабул қилинган ҳуқуқий ҳужжат ва қарорларнинг қонунийлигига баҳо бериш, ер қонун бузилиши бўйича тергов олди текширув, тергов, тезкор-қидирув ва контрразведка фаолияти билан шуғулланиш, ерга оид қонунбузилиши бўйича судда давлат манфаатларини ҳимоя қилиш каби вазифалар кўзда тутилган.

Шунингдек, яйловлар масаласида Қозоғистон Республикасининг 20.02.2017 йилдаги янги таҳрирдаги “Яйловлар тўғрисида”ги қонуни билан тартибга солинади. Қонуннинг 15-моддасида яйловларни бериш ва улардан фойдаланиш тартиби белгиланган. Унга кўра, “Аҳоли пунктларининг чегараларига (чизиқларига) бевосита туташ ҳудудда жойлашган, давлат мулки бўлган яйловлардан аҳолининг шахсий хўжаликларнинг қишлоқ хўжалиги ҳайвонларини боқишга бўлган эҳтиёжини қондириш учун фойдаланилади. Ушбу модданинг 1-бандида кўрсатилган яйловларда бошқа қишлоқ хўжалиги ҳайвонларини боқишга фақат яйловларнинг умумий майдони бўйича рухсат этилган максимал юклама

меъёрларига риоя қилган ҳолда йўл қўйилади. Яйловларнинг умумий майдони бўйича рухсат этилган юкламанинг максимал меъёрлари ошиб кетган тақдирда, шахсий томорқаларнинг қишлоқ хўжалиги ҳайвонларини боқиш учун мўлжалланган яйловлар майдонини кўпайтириш мақсадида, Қозоғистон Республикасининг ер қонунчилиги ва Қозоғистон Республикасининг давлат мулки тўғрисидаги қонун ҳужжатларига мувофиқ, аввал берилган яйловларни давлат эҳтиёжлари учун мажбурий бегоналаштириш амалга оширилиши мумкин. Аҳоли пункти чегаралари (чегаралари) доирасида яйловлар билан таъминланмаган жисмоний ва (ёки) юридик шахсларнинг қишлоқ хўжалиги ҳайвонлари чорва моллари Яйловларни бошқариш ва улардан фойдаланиш режасига мувофиқ яйловларнинг бошқа ҳудудларига, шу жумладан узоқ яйловларга кўчирилади. Шахсий томорқаларнинг қишлоқ хўжалиги ҳайвонларини боқиш учун мўлжалланган яйловлардан, шу жумладан узоқ яйловлардан фойдаланиш Яйловларни бошқариш ва улардан фойдаланиш режасига мувофиқ амалга оширилади. Туман ҳокимиятидаги шаҳар, посёлка, қишлоқ, қишлоқ округи ҳокимларининг ҳамда туман, вилоят ҳокимиятидаги шаҳар маҳаллий ижро этувчи ҳокимият органининг яйловлар билан таъминлаш тўғрисида алоҳида қарори талаб этилмайди. Бир туман аҳамиятига эга шаҳар, посёлка, қишлоқ, қишлоқ округи ҳудудида жойлашган яйловларни бошқа туман аҳамиятидаги шаҳар, посёлка, қишлоқ, қишлоқ округи фойдаланиши учун бериш туман (шаҳардаги туманлар бундан мустасно), туман аҳамиятига эга бўлган шаҳарнинг маҳаллий ижро этувчи органи томонидан, туман ҳокими, туман, қишлоқ, қишлоқ округи ҳокимларининг, туман, қишлоқ, туман, қишлоқ, туман ва шаҳар ҳокимлигининг, маҳаллий давлат ҳокимияти ва бошқаруви органларининг тақлифига биноан амалга оширилади. Бир туман (шаҳардаги туманлар бундан мустасно), вилоят аҳамиятига молик шаҳар ҳудудида жойлашган яйловларни бошқа туман (шаҳардаги туманлар бундан мустасно), вилоят аҳамиятига молик шаҳарнинг фойдаланиши учун бериш туман (шаҳардаги туманлар бундан мустасно), вилоят аҳамиятга молик шаҳарнинг маҳаллий ижро этувчи органининг тақдимига биноан вилоятнинг маҳаллий ижро этувчи органи томонидан амалга оширилади. Бир (бир) вилоят, республика аҳамиятига молик шаҳар, пойтахт ҳудудида жойлашган яйловларни бошқа вилоятнинг фойдаланиши учун бериш вилоятнинг маҳаллий ижро этувчи ҳокимият органининг тақдимига биноан Қозоғистон Республикаси ҳукумати томонидан амалга оширилади” деб белгиланган. Эътиборли томони, Қозоғистон Республикасида яйлов ерлари боқилаётган чорва сони ортиб кетиши оқибатида ерга зиён етказилаётган бўлса давлат захирасига қайтарилиши мумкинлиги белгиланган.

Туркменистон Республикаси Ер кодексининг 105-моддасига мувофик, ердан фойдаланиш ва уни муҳофаза қилиш устидан давлат назорати куйидаги асосий тамойилларга асосан амалга оширилади:

1. Ердан давлатнинг алоҳида муҳофаза қилинадиган миллий бойлик сифатида мақсадли фойдаланилишини таъминлаш;
2. Ер ресурсларидан иқтисодий мақсадларда фойдаланишда экологик хавфсизлик тарафларини устунлиги, Туркменистон ер қонунчилиги бузилиши оқибатида атроф табиий муҳитга етказилган зарарларни тўлиқ қопланиши;
3. Иқтисодий рағбатлантириш ва жавобгарлик чораларини мувофиқлаштириш.

Туркменистон Республикаси Ер кодексининг 106-моддасига мувофик, мулкчилик шакли ва идоравий бўйсунувидан қатъий назар юридик ва жисмоний шахсларга, хорижий давлатлар ва ташкилотларга фойдаланишга ижарага ва мулк қилиб берилган Туркменистон худудидаги барча ерлар муҳофаза объекти ҳисобланади.

Ер кодексининг 107-моддасига кўра, ер ресурсларини бошқариш бўйича давлат органи ижроия ва маҳаллий ўзини-ўзи бошқариш органларининг табиатни муҳофаза қилиш борасидаги функциялари ёритиб берилган.

Ер кодексининг 108-моддасида эса, давлат ер назоратини амалга оширувчи органларнинг текшириш ўтказиш, ер қонун бузилиши бўйича баённомалар тузиш, бажарилиши мажбурий бўлган ёзма кўрсатмалар бериш, айбдор ва мансабдор шахсларни маъмурий жавобгарликка тортиш, ер қонун бузилиши ҳолатлари бўйича жарималарни ундириш тўғрисидаги даъволарни киритиш Туркменистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасига вилоят, туман ва шаҳарларининг ҳокимликлари томонидан ерга оид қабул қилинган ҳуқуқий ҳужжатларини бекор қилиш юзасидан таклифлар киритиш каби кенг ваколатлар назарда тутилган.

Бундан ташқари, Туркменистон Республикаси “Прокуратура тўғрисида”ги қонунининг 3-моддасига мувофик, прокуратура органлари барча қонун ҳужжатлари шу жумладан ерга оид қонун ва норматив ҳуқуқий ҳужжатлар ижроси юзасидан назоратни амалга ошириш белгиланган.

Қирғизистон Республикаси Ер кодексининг 4-бўлими 100-моддасига мувофик, ердан фойдаланиш ва уни муҳофаза қилиш устидан давлат назорати махсус ваколатли ва бошқа органлар томонидан амалга оширилади.

Бундай органларнинг ваколат доирасида ерни муҳофаза қилиш бўйича кўрсатмалари барча ер участкалари мулкдорлари ва ердан фойдаланувчилар учун мажбурийдир.

Қирғизистон Республикасининг “Прокуратура тўғрисида”ги Қонуни 2-моддаси 1-бандига мувофик: “Қирғизистон Республикасида прокуратура органлари ижроия

ҳокимияти ҳамда Қирғиз Республикаси Конституциявий қонуни билан белгиланган бошқа давлат органлари томонидан қонун ҳужжатлари, шу жумладан ерга оид қонун ҳужжатларини аниқ ва бир хилда бажарилиши устидан назоратни амалга оширадилар.

Шунингдек, Қирғиз Республикасида яйлов ерларини тартибга солиш соҳасидаги ваколатли давлат органлари ва яйлов ерларидан фойдаланиш ҳуқуқини давлат рўйхатидан ўтказиш масалалри “Яйловлар тўғрисида”ги қонуни билан тартибга солинади. Қонуннинг 14-моддасига кўра, “Қирғизистон Республикасининг мутлақ мулки бўлган яйловлардан фойдаланиш масалаларини тартибга солиш сиёсатини амалга оширадиган ваколатли давлат органи Қирғизистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан белгиланади. Ваколатли давлат органининг ваколатига қуйидагилар киради:

- яйловлардан фойдаланиш соҳасидаги Қирғизистон Республикасининг дастурлари ва қонун ҳужжатларини амалга ошириш бўйича тавсиялар ишлаб чиқиш;

- яйловларнинг ҳолати ва сифати мониторингини баҳолашнинг давлат стандартлари ва усулларини белгилаш;

- яйловлар ҳолати мониторинги дастурлари бажарилишини мониторинг қилиш;

- яйловлардан фойдаланиш масалалари бўйича намунавий низомлар, йўриқномалар, қоидалар ва бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларни, шунингдек услубий материалларни ишлаб чиқиш;

- яйловдан фойдаланувчилар уюшмаси томонидан аҳолининг яйловларни бошқариш ва улардан фойдаланиш режалари ва яйловлардан фойдаланишнинг йиллик режалари қўлланилишини назорат қилиш;

- яйловлардан фойдаланишда маҳаллий давлат ҳокимияти органлари ва зиёрат қўмиталари фаолиятини техник ва бошқа ёрдам кўрсатиш;

- яйловлардан фойдаланувчиларнинг уюшмалари томонидан яйловлардан фойдаланиш устидан назоратни амалга ошириш.”ни белгилайди.

Қонуннинг 16-моддаси билан “Маҳаллий давлат ҳокимияти органларининг Қирғизистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан белгиланадиган чегаралар доирасидаги яйловлардан фойдаланиш ҳуқуқи белгиланган тартибда мажбурий давлат рўйхатидан ўтказилиши керак. Яйлов чипталари асосидаги яйловлардан уч йилдан ортиқ фойдаланиш ҳуқуқи кўчмас мулкка бўлган ҳуқуқларни давлат рўйхатидан ўтказиш соҳасидаги ваколатли давлат органида мажбурий давлат рўйхатидан ўтказилиши шарт. Яйлов чипталари асосида уч йилдан кам муддатга яйловлардан фойдаланиш ҳуқуқи чипта эгасининг илтимосига биноан ҳам қайд этилиши мумкин. Давлат рўйхатидан ўтказувчи орган чегаралари ушбу Қонуннинг 3-моддасига мувофиқ белгиланган эр участкаларига

бўлган ҳуқуқларни давлат рўйхатидан ўтказишда қўшимча текширишлар ўтказмасдан, олинган маълумотларга мувофиқ чегараларни белгилайди” деб кўрсатилган.

Россия Федерацияси Ер кодексида 3 хил ер назорати турлари қайд этилган. Яъни, давлат ер назорати (махсус ваколатли ижроия органи ва табиатни муҳофаза қилиш органлари), муниципал ер назорати (маҳаллий ўзини ўзи бошқариш органлари), жамоатчилик ер назорати (фуқаролар, жамоат бирлашмалари, нодавлат нотижорат ташкилотлари томонидан амалга оширилади).

Бундан ташқари, Россия Федерациясининг “Прокуратура тўғрисида”ги Федерал қонуни 21-моддасида: “Россия Федерацияси ҳудудида амал қилувчи ерга оид қонун ҳужжатларини федерел ижроия ҳокимияти органлари, тергов қўмитаси вакиллик ва ижроия органлари, маҳаллий ўзини-ўзи бошқариш органлари, ҳарбий бошқарув органлари, назорат қилувчи органлар, тижорат ва нотижорат ташкилотлари томонидан бажарилиши прокурорларнинг назорат предмети” сифатида белгиланган.

Ер ресурсларини хусусан яйлов ерларини бошқаришда, улардан фойдаланиш ва муҳофаза қилишда дунёнинг барча иқтисодий ривожланган ва тараққий этган ёки иқтисодий ривожланмаган ва тараққий этмаган мамлакатлари яйлов ерларини тарихан ва бугунги кунда муҳофаза қилишга устувор аҳамият берилади.

Мисол учун, Мўғилистонда яйловларни бошқариш масаласини тартибга солувчи иккита асосий қонун, яъни 2002 йилдаги “Ер тўғрисида” ги қонун ва 2002 йилдаги “Фуқаролик кодекси”га биноан чорвадорлар гуруҳлари яйловларни чорва боқиш учун режалаштириши ва маълум бир муддат давомида бошқариши мумкин. Натижада чорвадор яйловдан фойдаланиш гуруҳлари “Яйловларни бошқариш шартномаси” ёки “Яйловлардан фойдаланиш тўғрисида келишув”ни маҳаллий давлат органлари билан тузиш ҳуқуқига эга бўлади.

Маҳаллий даражада яйловларни бошқариш учун ҳудудий режалаштириш воситаси сифатида келишув, маълум вазифаларни белгилаш ва маълум бир ҳудуд учун бошқариш бўйича умумий талабларни ўрнатиши мумкин. Маҳаллий ҳокимият органлари ва кўчманчи чорвадорлар ўртасидаги муносабатлар, яйловлардан фойдаланиш бўйича келишув асосида тартибга солинади. Ҳар бир яйловлардан фойдаланиш бўйича келишув тўрт томон, яъни Минтақавий ҳудуд (Сўум) ва Кичик ҳудуд (Баг) ҳокими, чорвадорлар гуруҳи раҳбари ва етакчиси томонидан имзоланади.

Хитойда Яйлов ерларининг ҳуқуқий бошқарилиши ва назоратининг ривожланиш тарихи ҳам бозор муносабатларига боғланганлигини кўриш мумкин. Хусусан, Хитойнинг Синтсзян провинциясида 1989 йилда қабул қилинган “Яйлов ерлари тўғрисида”ги қонун ва бошқа норматив-ҳуқуқий ҳужжатларга биноан яйлов ерларига нисбатан коллектив мулк

хусусияти жорий этилган, аммо чорвадорлик ҳуқуқи шахсий уй хўжаликларига яйловлардан фойдаланиш бўйича шартномалар асосида берилади. Ушбу шартномалар 50 йил муддатга тузилади. Бу эса барқарорликни таъминлайди ва уларда ҳар бир оила учун ажратилган мавсумий яйловлар жойлашган ҳудудлар, яйловлардан фойдаланиш учун тўлов ва чорванинг яйловларга қўйиладиган миқдори аниқ кўрсатилади. 1999 йилга келиб Синтсзян провинциясидаги фойдаланувга яроқли яйловларнинг 94% шартномалар асосида шахсий уй хўжаликларига берилди. Яйловлардан фойдаланиш ҳуқуқи мерос қилиб ўтказилиши мумкин, лекин учунчи шахсларга сотиш таъқиқланган. Барча ҳуқуқий муносабатлар маҳаллий чорвачилик масалалари агентлиги томонидан тартибга солинади. Амалда яйловлар жамоавий фойдаланиш ва бошқарувда қолади. Бу эса чорвадорларга катта ҳудудларга нисбатан ноаниқ чегаралар билан ресурсларни тақдим этади. Бундай бошқарув тизими бир қатор афзалликларга эга: Яйловдан фойдаланишнинг мослашувчанлиги ва ҳаракатчанлигини таъминлайди; Экологик ҳавфларни камайтиради; Яйловлар учун аниқ чегараларнинг йўқлиги чорвадорларнинг меҳнатини тежашга ёрдам беради, чорва сонининг ошишига олиб келали; Шахсий уй хўжаликлари кенгрок ресурсларга кириш имкониятига эга бўлади;

Жамоавий бошқарув тизими иқтисодий хавф-хатарлардан суғурта қилишни таъминлайди. Кўплаб бошқа давлатлар сингари, Хитой ҳам кўчманчи чорвадорларга нисбатан жойлашиш сиёсатини амалга оширди, бу эса чорва ўринларини чеклаш ва ерларни индивидуализация қилишга олиб келди. Ушбу сиёсатнинг салбий ижтимоий оқибатлари ва яйловларнинг деградацияси олдини олиш мақсадида яйловли чорвадорликни ривожлантиришнинг альтернатив йўллари изланмоқда. Гансу провинциясида “Бирлаштирилган уй хўжаликлари” ёндашуви қўлланилди, бу эса яйлов ерларидан деворларни олиб ташлаш ва ер-сув ресурсларини жамоавий бошқариш анъаналарини тиклаш ҳамда чорвани кўчиришсиз яйловга чиқиш амалиётини қайта тиклашга қаратилган эди. “Бирлаштирилган уй хўжаликлари” схемаси чорвадорларнинг даромадларини ошириш ва яйловлар ҳолатини яхшилашни кўрсатди ва кейинчалик ҳукумат томонидан расмий равишда қабул қилинган. Шу билан бирга, Хитойда яйловлардан фойдаланиш ҳуқуқлари қандай амалга оширилиши ва кўчманчи чорвадорларнинг ўз ҳуқуқларини қайдай тушуниши тўғрисида ҳал қилинмаган масалалар мавжуд. Шунга қарамай чорвадорларни бошқа яйловларга кўчирмасдан, яйловларда ўтлатишни мажбурий қилишдан воз кечиш ва яйлов ерларини хусусийлаштиришдан бош тортиш, кўчманчи чорвадорликни қонунийлаштиришга ўтиш ҳамда чорвадорлар орасида жамоавий ҳозирлик тизимларига ўтиш, бошқа тез ривожланаётган саноат мамлакатларидаги ижобий ўзгаришларни акс эттиради.

Кўриб турганимиздек, юқорида қайд этилган хорижий давлатларнинг аксариятида (Монголия, Хитой, Россия, Қозоғистон, Тожикистон, Туркманистон ва Қирғизистон) мамлакатимиз қонунчилигига ўхшаш тарзда ерга оид қонунчилик ижроси устидан ихтисослашган назорат тегишли вазирликлар томонидан амалга оширилса, ушбу органлар томонидан қонунга риоя этилиши устидан махсус прокурор назорати прокуратура органлари томонидан амалга оширилиши белгиланган.

Бизнинг фикримизча, дунё давлатларида ва мамлакатимизда ер назорати хусусан яйлов ерлари назорати долзарб масала ҳисоблади, чунки яйловларда асосан тарихан чорвачилик билан шуғулланган аҳоли яшайди ва уларнинг фойдаланувидаги яйлов ерларининг бошқаруви ҳамда назоратининг тўғри ташкил қилиниши уларнинг ҳаёт тарзини ижобий ёки салбий томонга ўзгаришига сабаб бўлади.

Давлатимиз раҳбари таъкидлаганидек, ерни хусусий секторга мулк ва ижара ҳуқуқи, давлат ташкилотларига доимий фойдаланиш ҳуқуқи асосида бериш тартиби жорий этилиб, туман ҳокимларининг ер ажратиш ва қайтариб олиш ҳақида қарор қабул қилиш ваколати тўлиқ бекор қилинганлиги ҳамда вилоят ҳокимининг ер муносабатларига доир барча қарорлари адлия бошқармасида ҳуқуқий экспертизадан ўтказиш белгиланганлиги, шунингдек ер соҳасидаги ҳуқуқбузарликлар учун жавобгарликнинг кучайтирилганлиги - бу соҳада прокурор назоратига зарурат ҳар қачонгидан кўра зарур ҳисобланади.

Қишлоқ хўжалиги ва яйлов ерлари соҳасидаги прокурор назорати мамлакатдаги ер ресурсларини оқилона бошқаришга ва табиий бойликларни муҳофаза қилишга хизмат қилади. Хорижий тажрибалардан келиб чиқиб, прокурор органларининг самарадорлигини ошириш учун замонавий ахборот технологияларидан фойдаланиш, халқаро ҳамкорликни кучайтириш ва давлат органлари билан мустаҳкам алоқа ўрнатиш муҳимдир. Бу ишлар қишлоқ хўжалигининг ривожланишини ва ерларнинг самарали фойдаланилишини таъминлашга хизмат қилади.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

1. Mahsudov M. (2018). Improving the Methods of Forecasting the Diversification of the Land Fund in the Region. *International Journal of Engineering*, 2(4), 88-92.
2. Ugli, M. M. D. (2019). Economic evaluation of land in land fund diversification. *International Journal of Financial, Accounting, and Management*, 1(3), 167-172.
3. Law No. 20/1981 of december 30, 1981 on the status of the public Prosecution Departament of Spain. <https://www.fiscal.es/documents/20142/147455/Spanish+Law+on+Prosecutors.pdf>.
4. Земельный кодекс Республики Таджикистан от 13 декабря 1996 года № 327 (с изменениями и дополнениями по состоянию на 19.07.2022 г.) https://continent-online.com/Document/?doc_id=30454399

5. Конституционный закон Республики Таджикистан "Об органах прокуратуры Республики Таджикистан" <https://www.prokuratura.tj/legislation-rus/49-the-constitutional-law-of-the-republic-of-tajikistan.html>
6. Закон Республики Таджикистан "О пастбищах" от 20 июня 2019 года № 1618 <https://faolex.fao.org/docs/pdf/taj188331.pdf>
7. Украина Республикаси Ер кодекси
8. Земельный кодекс Украины от 25 октября 2001 года № 2768-III (с изменениями и дополнениями по состоянию на 28.03.2023 г.) https://online.zakon.kz/Document/?doc_id=30418345
9. Закон Украины "О прокуратуре" https://urst.com.ua/ru/act/o_prokurature
10. Қозоғистон Республикасининг Ер кодекси
11. Конституционный закон Республики Казахстан О прокуратуре https://online.zakon.kz/Document/?doc_id=31771762
12. Земельный кодекс Казахстана https://online.zakon.kz/Document/?doc_id=1040583
13. "О пастбищах" Закон Республика Казахстан 20.02.2017 г №47-VI ЗРК https://online.zakon.kz/Document/?doc_id=34242826&pos=299;-54#pos=299;-54
14. Кодекс Туркменистана «О земле» от 25 октября 2004 года (с изменениями и дополнениями по состоянию на 05.12.2022 г.) <https://online.zakon.kz/Document/?doc>
15. Закон Туркменистана от 15 августа 2009 года № 50-IV «О прокуратуре Туркменистана» https://continentonline.com/Document/?doc_id=31344590
16. Земельный кодекс Кыргызской Республики 2 июня 1999 года № 45 <http://cbd.minjust.gov.kg/act/view/ru-ru/8>
17. Закон Кыргызской Республики «О прокуратуре Кыргызской Республики» от 24 августа 2020 года № 143 (В редакции Закона КР от 22 января 2021 года № 11) <http://cbd.minjust.gov.kg/act/view/ru-ru/112108>
18. Закон Кыргызской Республики «О пастбищах» от 26 января 2009 года № 30 <https://cbd.minjust.gov.kg/4-3990/edition/1188200/ru>
19. "Земельный кодекс Российской Федерации" от 25.10.2001 N 136-ФЗ (ред. от 28.04.2023) https://www.consultant.ru/document/cons_doc_LAW_33773/
20. Федеральный закон "О прокуратуре Российской Федерации" от 17.01.1992 N 2202-1 (последняя редакция) https://www.consultant.ru/document/cons_doc_LAW_262/
21. Совершенствование системы регулирования пастбищных земель (2018). Разработка политики и нормативно правовой базы пастбищного животноводства, 1(3), 132. <https://openknowledge.fao.org/server/api/core/bitstreams/4045c4ef-7061-4c06-8934-10a64d2d1c22/content?>
22. Совершенствование системы регулирования пастбищных земель (2018). Разработка политики и нормативно правовой базы пастбищного животноводства, 1(3), 129. <https://openknowledge.fao.org/server/api/core/bitstreams/4045c4ef-7061-4c06-8934-10a64d2d1c22/content?>
23. Ер соҳасидаги муносабатларни тубдан такомиллаштириш бўйича таклифлар кўриб чиқилди // Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев 3 июнь куни ер муносабатларини такомиллаштириш масалалари юзасидан йиғилиш ўтказди.// <https://yuz.uz/news/er-sohasidagi-munosabatlarni-tubdan-takomillashtirish-boyicha-takliflar-korib-chiqildi>